

Oriental Journal of Education



ADVANCING THE STRUCTURAL AND FUNCTIONAL DEVELOPMENT OF THE REFERENDUM INSTITUTION

Sherzod Batirov

Researcher

Tashkent State Law University

Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: referendum institution, democratic principles, citizen participation, Uzbekistan, legal foundations, civil society, international experience.

Received: 25.10.24

Accepted: 27.10.24

Published: 29.10.24

Abstract: This article addresses the need for refining the referendum institution in Uzbekistan, its significance in the development of democracy and civil society, and the legal foundations underlying its implementation. The author reviews the practice of referendums in the country and proposes the advancement of legislation to meet modern requirements, raising citizens' awareness, and expanding public participation as a direct instrument of democracy. International experiences are examined, with recommendations provided to further improve the referendum institution.

РЕФЕРЕНДУМ ИНСТИТУТИНИНГ ТУЗИЛМАВИЙ ВА ФУНКЦИОНАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шерзод Батиров

Тадқиқотчи

Тошкент давлат юридик университети

Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: референдум институти, демократик тамойиллар, фуқаролар иштироки, Ўзбекистон, ҳуқуқий асослар, фуқаролик жамияти, хорижий тажриба.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда референдум институтининг такомиллаштириш зарурати, унинг демократия ва фуқаролик жамияти ривожига аҳамияти, ҳамда уни амалга оширишдаги ҳуқуқий асослар кўриб чиқилган. Муаллиф, мамлакатдаги референдум амалиётига назар солиб, унинг замонавий талабларга жавоб беришини таъминлаш учун қонунчиликни ривожлантириш, фуқароларнинг хабардорлигини ошириш ва демократиянинг

тўғридан-тўғри воситаси сифатида фуқароларнинг иштирокини кенгайтиришни таклиф этади. Хорижий давлатлардаги тажрибалар ўрганилиб, референдум институти янада такомиллаштириш учун тавсиялар берилди.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СТРУКТУРНОГО И ФУНКЦИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА РЕФЕРЕНДУМА

Шерзод Батиров

Исследователь

Ташкентский государственный юридический университет

Узбекистан

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: институт референдума, демократические принципы, участие граждан, Узбекистан, основы, гражданское общество, международный опыт.</p>	<p>Аннотация: В статье рассматривается необходимость совершенствования института референдума в Узбекистане, его значение для развития демократии и гражданского общества, а также правовые основы его реализации. Автор анализирует практику проведения референдумов в стране и предлагает развивать законодательство в соответствии с современными требованиями, повышать осведомленность граждан и расширять их участие как прямого инструмента демократии. Изучен международный опыт, и приведены рекомендации для дальнейшего улучшения института референдума.</p>
--	---

Мустақиллик эришган ҳар бир мамлакат демократик тамойилларга асосланган ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдига асосий мақсадлардан бири сифатида белгилайди. Шу сабабли ҳам ҳар бир давлат ўз конституцияларида асосий тамойилларни ўзида акс эттирган ва мустақкам ҳуқуқий асосларга эга тизимни яратишга ҳаракат қилади. Давлат ҳокимияти олий вакиллик органлари томонидан қабул қилинган қонунларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ўз ифодасини топиши билан бирга фуқароларнинг давлат бошқарувида ва жамиятнинг турли соҳаларини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган сиёсий ислоҳатларда фаол иштирок этишини таъминлаш эътиборга олинади. Фуқароларнинг бундай иштирок этиши мамлакатда ўтказилаётган сайловлар ва референдумлар орқали намоён бўлади.

Мамлакатда ўтказилаётган сайловлар натижасида давлат ҳокимияти вакиллик органлари шакллантирилса, референдум орқали жамият ҳаёти ва давлатнинг ички ва ташқи масалаларига доир энг муҳим муаммолар ҳал этилади. Шу сабабли ҳам, референдум демократиянинг энг муҳим сиёсий институтларидан бири сифатида намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг асосий қонунида «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумхалқ овозига – референдумга қўйилади» [1] деган муҳим норма киритилди. Бу норма орқали шу нарса аён бўладики, халқнинг хоҳиш-истаклари биринчи навбатда барча нарсдан устун эканлигини англатади. Зеро, давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган муҳим тамойил бунинг яққол далили эканлигини билдиради.

Референдум фуқароларнинг сиёсий майдонда ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, сиёсий қарашларини эркин билдира оладиган ҳамда жамият ҳаётининг долзарб масалаларини ҳал этиш билан узвий боғлиқ бўлган демократик институтдир. Сиёсатшунос Девид Альтман таъкидлаганидек, «Референдум вакиллик демократиясини тўлдирувчи ва фуқароларга қарор қабул қилиш жараёнларида тўғридан-тўғри овоз бериш имконини берувчи восита сифатида қаралади» [2]. Бундан ташқари, референдум давлатнинг энг муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилишига, тизимни ривожлантириш йўлида маълум бир соҳавий фаолиятга тузатиш киритишга имкон берувчи, муаммоли вазиятларда инқироздан асровчи, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришга имконият яратувчи механизм деб ҳам қаралади.

Мустақиллик йилларидан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистонда бир неча бор референдумлар ўтказилиб, уларнинг ҳар бири давлатчилик тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, илк бор 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги масалага доир референдум бўлиб ўтди. Интизорлик билан кутилган ушбу кун халқимиз учун унитилмас жараёнлардан бири бўлди. Ўзбекистон халқи Республика Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини бир овоздан маъқуллади. Мамлакатимиз ҳаётидаги кейинги референдум 1995 йил 26 мартда ўтказилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 2000 йилга қадар узайтириш бўйича масала кўриб чиқилиб, умумхалқ томонидан маъқулланди. Кейинги яна бир муҳим референдум 2002 йил 27 январь куни ўтказилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисни икки палатали парламентга ўзгартириш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш тўғрисидаги иккита энг муҳим масалалар муҳокамага қўйилган ҳамда умумхалқ томонидан 93,6 фоиз овоз билан “Ҳа” деб маъқулланган. Бу ўтказилган референдум биринчи (умумий ҳисобда учинчи) ўтказилган конституциявий референдум деб ҳам юритилади.

Кейинги конституциявий референдум (иккинчи конституциявий референдум, умумий ҳисобда тўртинчи) 2023 йил 30 апрель куни ўтказилиб, унда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги янгиланган Конституциявий Қонунни қабул қилиш масала халқ муҳокамасига тақдим этилди ҳамда референдумда қатнашган фуқароларнинг 90,21 фоизи “Ҳа” деб маъқуллади.

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини жами 383 нафар халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди. Жумладан 14 та нуфузли халқаро ташкилотдан, хусусан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси, Туркий тилли давлатлар ташкилоти, Туркий кенгаш Парламент Ассамблеяси ҳамда Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалардан 184 нафар, 45 та давлатдан 199 нафар халқаро кузатувчилар ушбу жараёнда иштирок этди [3].

Мамлакатимизда ўтказилган ушбу конституциявий референдум халқаро кузатувчилар томонидан ҳам юксак даражада эътироф этилди. Хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти миссияси, Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Туркий давлатлар Парламент ассамблеяси делегациялари вакилларидан иборат халқаро кузатувчилар референдум арафасида сайлов участкаларида барча зарур шарт-шароит яратилгани, комиссиялар ушбу сиёсий воқеаликка тайёрлигига гувоҳ бўлганини, референдум жараёни халқаро стандартга мувофиқ такомиллаштирилгани, Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган режа ва миллий қонунчилик асосида референдумга тайёргарлик кўриш, тадбирни ўтказиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилгани борасидаги фикрларни билдирди [4].

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев референдум якунлари бўйича Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан бўлиб ўтган йиғилишда “янгиланган Конституциямизда барча қатлам манфаатлари инобатга олинганлиги, уни ишлаб чиқишда аҳоли фаол иштирок этганлиги ҳамда референдум орқали қабул қилинганлиги ушбу ҳужжатнинг чинакам халқ Конституцияси бўлганидан далолат эканлигини таъкидлади” [4].

Республикамизда референдум ўтказиш тартиби 2001 йил 29 августдаги янги таҳрирда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади (Бу борадаги илк қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган). Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг референдуми Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир. Референдумдаги муҳим масалалар – референдумга қўйилган саволлар бўлиб, улар бўйича референдум иштирокчиси ўз нуқтаи назарини белгилайди ва уни овоз бериш жараёнида бюллетенни тўлдириш орқали яширин овоз бериш йўли билан ифодалайди.

Референдум демократия тизимидаги муҳим институт бўлиб, у жамият ва давлатнинг ривожланиш йўналишларини белгилайди, фуқароларнинг кенг қўламли масалалар бўйича ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминлайди. Бироқ, қонунчиликка биноан айрим

масалалар референдум предмети бўла олмайди. Булар Ўзбекистон Республикасининг худудий яхлитлигини ўзгартириш, давлат бюджети, солиқлар, амнистия, афв этиш, жамоат тартибини, аҳоли соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавқулодда ва шошилиш чора-тадбирлар ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш, мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан озод этиш масалаларидир.

Хорижий мамлакатларда ўтказилган референдумларни таҳлил этадиган бўлсак, уларда турлича масалалар кўриб чиқилганлигини кузатиш мумкин. Шу сабабли ҳам референдумда кўриладиган масалалар доираси ҳар доим баҳсли бўлиб келган. Бу борада айрим бир олимлар томонидан ўз мамлакатларида ўтказилаётган референдумда кўриладиган масалаларни кенгайтириш лозимлиги ҳақида гапирилса, айрим бир олимлар жамоаси фақат давлат ва жамият ҳаётидаги энг муҳим масалаларгина умумхалқ муҳокамасига қўйилиши лозимлигини таъкидлаб келишади. Бир томондан, бу чекловлар давлат бошқарувининг барқарорлигини таъминласа, иккинчи томондан, фуқароларнинг муҳим қарорлар қабул қилишга таъсир қилиш имкониятларини торайтириши мумкин. Шу нуқтаи назардан, А.Х.Саидов «референдум мавзусининг кенгайтириш фуқароларнинг давлат қарорларини қабул қилиш жараёнига янада фаолроқ жалб қилинишига ёрдам бериши мумкин»лигини таъкидлайди. Ушбу тартибни соддалаштириш референдум институтини янада фаолроқ қўллашга ёрдам бериши мумкин.

Дунё тажрибасини ўрганиш қатор мамлакатларда референдум жараёнларини такомиллаштириш бўйича ислохотларни амалга оширилганлигини ва ундан қимматли сабоқлар олиш мумкинлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, референдум институти узоқ йиллик анъаналарга эга бўлган Швейцарияда ўзига хос модел яратилган бўлиб, мамлакатда референдумлар юқори даражадаги очиқлик ва шаффофлик билан ўтказилиши ҳамда фуқароларни хабардор қилиш ва муҳокама қилишнинг мустақкам тизими ишлаб чиқилган. Ҳукумат барча овоз берувчиларга батафсил, холис ахборот буклетларини етказиш ва фуқароларнинг яхши хабардорлигини таъминлаш учун оммавий мунозаралар ташкил этилган.

АҚШнинг Орегон штатида «Фуқаролар ташаббусларини кўриб чиқиш» жараёни амалга оширилади, бунда тасодифий танланган фуқаролар гуруҳи овоз бериш масалаларини ўрганади ва овоз берувчиларга тавсиялар беради. Бу референдумда овоз берувчиларнинг билимларини ва қарорлар қабул қилишга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Янги Зеландия тажрибаси ўзига хос бўлиб, мамлакатда конституциявий ўзгаришлар учун икки босқичли референдум жараёни жорий этилган. Бунда жамоатчилик манфаатларини баҳолаш учун дастлабки овоз бериш ўтказилади, етарли даражада қўллаб-қувватлаш бўлгандан кейингина, умумхалқ батафсил референдуми ўтказилади. Бундай ёндашув мураккаб масалалар бўйича янада нозик қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Демак, референдум институти тўғридан-тўғри демократия учун муҳим восита бўлиб қолмоқда, аммо у ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун пухта ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини талаб қилади. Сиёсатшунос Метт Квортруп, «Референдумлар ўз-ўзидан яхши ҳам, ёмон ҳам эмас. Уларнинг демократик қиймати уларнинг қандай ишлаб чиқилиши ва ўтказилишига боғлиқ»[5] дея, таъкидлайди.

Профессор Х.Т. Одилқориев ва Ш.Н. Бердияровлар «Ўзбекистоннинг референдум тўғрисидаги қонунчилиги, умуман олганда, референдумларни ташкил этиш соҳасидаги халқаро стандартларга мос келади» [6] дея таъкидлайди. Бирок, ушбу фикрга қарамасдан, референдум қонунчилигини янада такомиллаштиришни талаб қиладиган маълум бир жиҳатлари мавжуд. Энг муҳим жиҳатлардан бири бу референдум орқали ҳал қилинадиган масалалар бўйича фуқароларга сифатли ахборот етказишдир. Бу ҳақида сиёсатшунос Лоуренс Морел «Тўғридан-тўғри демократиянинг тўғри ишлаши учун фуқароларнинг хабардорлиги жуда муҳимдир» [7] дея ўз фикрини билдирган. Фуқароларнинг хабардорлигини ошириш доирасида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқароларга холис ахборот буклетларини мажбурий тарқатишни, маҳалла фуқаролар йиғинларида референдум масалаларини муҳокама қилинишини ташкил этишни, референдум мавзулари бўйича қулай ва мувозанатли маълумотларни тақдим этиш учун рақамли платформалар яратиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда шу орқали фуқароларнинг фаоллигини шакллантириш ва кенгайтириш мумкин. Шунингдек, замонавий ахборот тизимларидан фойдаланиш орқали овоз бериш жараёнининг самарадорлигини ошириш, овозларни санашни тезлаштириш ва овоз берувчиларнинг, айниқса, ёшлар ўртасида овоз берувчиларнинг иштирокини таъминлаш муҳим жараёнлардан биридир.

Бизнингча, рост бўлмаган ахборотнинг тарқалишига йўл қўймаслик, референдум кампанияларини молиялаштириш бўйича қатъий қоидаларни жорий этиш, референдумга тайёргарлик доирасида фактларни текшириш механизмларини жорий этиш ва қасддан нотўғри маълумотларни тарқатганлик учун жазо чораларини белгилаш, референдум жараёнларини молиялаштириш ва маблағларни сарфлашда шаффофликка эришиш референдум натижаларининг адолатлилигига таъсир ўтказиши ҳамда вакиллик ва тўғридан-тўғри демократия ўртасидаги бўшлиқни тўлдиришга, янада фаол ва хабардор фуқароларни шакллантиришга ёрдам бериши мумкин.

Шунингдек, референдумга оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий иш юритишни расмийлаштириш Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 934-сон қарори билан тасдиқланган Сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш бўйича

йўриқнома асосида амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур йўриқномага асосан, МЖТКнинг 51²-51⁹-моддаларида назарда тутилган нормалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари, округ сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи округ комиссияларининг аъзолари маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни расмийлаштириши ҳамда МЖТКнинг 280-281-моддалари асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузишлари мумкин бўлади.

Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлилиги бўйича МЖТКнинг 245-моддаси 1-қисмига биноан, Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар қонунчиликка асосан ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб бир сутка мобайнида кўриб чиқилиши назарда тутилган. Масалан, Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ, ушбу тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши қайд этилган.

Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш билан боғлиқ айрим манбаларни ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлди-ки, бугунги кунда ушбу тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва ишга оид тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришга ваколатли орган (мансабдор шахс)лар турлича талқин этиб келинмоқда. Жумладан, айрим манбаларда бу тоифадаги ҳуқуқбузарлик ишларини расмийлаштириш прокуратура ва ички ишлар идоралари [8], Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссияларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари, котиблари ёки аъзолари [9], ички ишлар органлари [9] томонидан амалга оширилиши баён этилган. Лекин, МЖТК нормаларида ушбу органлар томонидан сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш билан боғлиқ қоидалар ўз аксини топмаган. Фақатгина юқорида таъкидлаб ўтилган Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган йўриқнома асосида Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари, округ сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи округ комиссияларининг аъзоларига маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни расмийлаштириш ҳуқуқи берилган. Юқоридагиларга асосан, фикримизча сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш ваколатига эга субъектлар

доирасини аниқлаштириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини қонунчилик нормаларида акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий тажрибалар ва эришилган муваффақиятли ислохотлардан сабоқ чиқариб, инновацияларни давом эттириб, биз референдумлар халқ иродасининг ҳақиқий ифодаси ва вакиллик демократиясининг қимматли тўлдирувчиси бўлиб хизмат қилишини таъминлашимиз зарур. Пировардида, мақсад нафақат фуқароларнинг бевосита иштирок этишига имкон берадиган, балки онгли қарорлар қабул қилишга ёрдам берадиган, озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ва демократик қонунийликни мустаҳкамлайдиган референдум тизимини яратишдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида референдум институти мустаҳкам ҳуқуқий асосга ва уни амалга оширишнинг ижобий тажрибасига эга. Шу билан бирга, уни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун катта истикболлар мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (30.04.2023) // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6445145> (мурожаат вақти: 21.10.2024).
2. Altman D. Direct Democracy Worldwide. Cambridge University Press. – 2011. – p. 17.
3. Электрон манба: https://www.saylov.uz/uz/lecture_statement/markazij-sajlov-komissiyasining-raisi-zajniddin-nizamhodzhaevning-matbuot-anzhumanidagi-nut-i5 (мурожаат вақти: 22.10.2024).
4. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/6275> (мурожаат вақти: 22.10.2024).
5. Qvortrup, M. (2017). Referendums Around the World: The Continued Growth of Direct Democracy. Palgrave Macmillan.
6. Morel, L. (2018). Types of Referendums, Provisions and Practice at the National Level Worldwide. In L. Morel & M. Qvortrup (Eds.), The Routledge Handbook to Referendums and Direct Democracy (pp. 27-59). Routledge.
7. Komilov K. [Fuqarolarning saylash va saylanish huquqi: kafolat va erkinliklar](#) // Электрон манба: https://old.sud.uz/ccr_slider (мурожаат вақти: 20.10.2024).
8. Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlaridan kuzatuvchilarga eslatma – T.: “Adolat” milliy huquqiy axborot markazi, 2021. – B. 10.
9. Ichki ishlar va Milliy gvardiya xodimlari uchun eslatma. – T.: “Adolat” milliy huquqiy axborot markazi, 2021. – B. 9.